

## ЎЗБЕКИСТОНДА ЗАМОНАВИЙ ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИ ЖОРИЙ ЭТИШ (ТОШКЕНТ ШАҲАР МИСОЛИДА)

**Каримов Асрор Акбарович**

*Ўзбекистон Республикаси*

*ИИВ ЖХД ЙҲХХ МКБТ катта муҳандиси – капитан*

*Тел: (98) 000-32-02*

*(98) 809-92-02*

Ҳозирги рақамлаштирилган даврда Тошкент шаҳар бошқарувида инновацион технологияларни жорий этиш ва ривожлантириш стратегияси, фойдали маълумотлар асосида амалга ошириш шаҳар концепцияси доирасидаги барча мақсадларнинг ечимини белгилайди. Бундан ташқари, шаҳар стратегияни шакллантириш, ривожланиш устуворликлари сингари барча жиҳатларни ҳисобга олган ҳолда белгиланишини таъминлайди. Стратегия кўламида кўплаб бўлимлар ўртага ташланиб ва ижрочилар, вазифаси доирасидаги идора ҳамда ташкилотлар учун узоқ муддатга мувофиқлаштирилган ҳаракатлар режаси ишлаб чиқилиши лозим.

Бунда, Тошкент шаҳар мисолида кўриб чиқилган “Ақлли шаҳар ечимлари маркази” лойиҳасининг асосий мақсади – интеграцияни янги босқичга олиб чиқишнинг самарали боғланишини яратишдир.

Ақлли шаҳар технологиялари асосида бинолар, иншоотлар ва ақлли чорраҳалар ҳамда ҳудудларнинг муҳандислик тизимларини интеллектуал мониторинг қилиш, бошқариш ва ҳаётга татбиқ қилиш учун кўп тармоқли илмий-тадқиқот асосидаги ечимлар, технологиялар ва тизимларни илгари суриш платформалари асосида амалга ошириш кўзда тутилган.

Лойиҳанинг глобал мақсади ҳам ечимларни ўз ичига олиши керак бўлган ҳолда давлат ҳамда хусусий секторларда қўлланиладиган инфратузилма ва бошқарув стратегияларини модернизация қилишни такомиллаштириш ва рағбатлантиришдан иборатдир.

Шу ўринда, лойиҳа концепциясининг шаҳарни ривожлантириш масалаларини комплекс ҳал қилиш учун қуйидаги стратегик муаммоларни бартараф этишга қаратилган илғор ислоҳотларни келтириб ўтамыз:

- инфратузилмани комплекс модернизация қилиш;
- инвестицион жозибadorликни ошириш;
- кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш;
- илмий салоҳиятнинг ўсишига эътибор қаратиш;
- шаҳар муҳитининг ҳудудий инновацион тизимини ривожлантириш;
- вазирлик ва идоралар томонидан қарорларни оптималлаштириш;
- бошқарув услубини модернизация қилиш;

- шаҳар аҳолисининг ҳаётини яхшилаш;
- аҳоли ишлаши, ўқиши ва дам олиши учун қулай шароитлар яратиш;
- аҳолига ахборот маълумотларини қулай равишда етказиш;
- жамоат хавфсизлиги даражасини ошириш;
- жамият ва табиат ўртасида уйғунликни тиклаш.

Бу каби масалаларни ва аҳоли турмуш даражасини ошириш, фуқароларнинг долзарб муаммоларини ҳал этиш, ижтимоий инфратузилмани яхшилаш ва ҳудудларни ривожлантириш учун муносиб шарт-шароитлар яратиш, шунингдек, 2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Харакатлар стратегиясида белгиланган вазифаларни изчиллик билан амалга ошириш ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 18 январдаги 48-сон “Ўзбекистон Республикасида “Ақлли шаҳар” технологияларини жорий этиш Концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги қароридаги вазифаларни босқичма-босқич амалга ошириш белгилаб қўйилганлигини инобатга олиш зарур.

Шу боис, юқорилагиларни инобатга олган ҳолда Тошкент шаҳрини ривожлантириш бўйича қуйидаги тавсияларни кўрсатиш мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблаймиз:

✓ функционал маълумотларнинг турли йўналишларини бирлаштириш ва олинган маълумотларни умумлаштирилган ҳолда комплекс таҳлил қилиш учун горизонтал платформаларни (масалан, ҳукумат портали) ишлаб чиқиш. Бундай платформаларнинг жорий этилиши концепциянинг барқарор ривожланиши учун асос яратади, маълумотларга асосланган ечимлар сифатини ва шаҳар бошқарувида инновацион технологиялардан фойдаланишнинг синергик таъсирини оширади;

✓ маълумотларга асосланган ечимларни таҳлил қилиш, мукамал тизим жорий этишга имконини берадиган, маълумотларни таъминлашга асосланган шаҳар бошқарувини доимий такомиллаштириш. Шаҳарнинг функционал ва технологик бўлимлари ўртасидаги ўзаро ҳамкорликни ташкил этиш;

✓ шаҳарни ақлли ва замонавий усулларини жорий этиш доирасида аҳоли ва экспертларни шаҳар муваффақиятлари, ютуқлари ҳақида хабардор қилиш бўйича янада мукамал ва пухта ўйланган сиёсатни олиб бориш. Бу шаҳар аҳолиси ҳамда шаҳар бунёдкорлари томонидан концепцияни сезиларли даражада қўллаб-қувватлашга олиб келиши мумкин. Шу билан бирга, нафақат фуқароларга хизмат кўрсатишга қаратилган ташаббуслар, балки вазирлик ва идораларнинг ички тартиб-қоидаларини оптималлаштириш бўйича ташаббусларни ҳам илгари суришга эътибор қаратиш зарур;

✓ шаҳар ҳаёти, турмиш тарзини таҳлил қилиш ҳамда аҳоли маълумотларини жамланган соҳаларда, яъни давлат ташкилоти ва идораларида текширишларни оптималлаштириш ҳар бир фуқарога тегишли

маълумотлар натижаларидан фойдаланишда хавфсизлик шартлари, ахборот хавфсизлигини таъминлаш ва бошқа стандартларга риоя қилиш;

✓ ақлли шаҳарлар концепциясини ишлаб чиқиш бўйича халқаро ишларда фаол иштирок этиш. Бунда дунёнинг етакчи мамлакатлари ва уларнинг шаҳарлари, шунингдек, технологик ечимларни таклиф этувчи компаниялар билан тажриба алмашиш.

Буларнинг барчаси келгусида Тошкент шаҳрида ақлли шаҳар технологияларини жорий этиш бўйича жаҳон етакчиларидан бири сифатида дунё кўз ўнгида катта имкониятларни кўрсатишга имкон беради, республикадаги барча соҳаларда сезиларли ютуқлар, муваффақиятларга қарамай шаҳар кўчаларидаги мавжуд муаммоларни имкон қадар тезкорлик билан ҳал этиш, аҳолининг розилиги учун қулай шароитларни яратиш бугунги кунда олдимизда турган муҳим ва мақсадли вазифаларимиздан бири эканлигини инобатга олиш зарур деб ҳисоблаймиз.

#### АДАБИЁТЛАР:

1. [http://en.wikipedia.org/wiki/Sociotechnical\\_system](http://en.wikipedia.org/wiki/Sociotechnical_system) - Statya «sotsiotexnicheskaya sistema» в википедии
2. <http://euchinasmartcities.eu/sites/default/files/Smart%20City%20Project%20Methodology%20Jeanette%20Whyte.pdf> - Jeanette Whyte. Smart City Project Methodology. – Genesis Consulting, Smart City Project Methodology, EU-China Policy Dialogues Support Facility <http://searchcio.techtarget.com/news/1308982/Gartner-Its-time-for-IT-and-OT-to-merge> - Linda Tucci. Gartner: It's time for IT and OT to merge. – TechTarget
3. <https://iot.ru/> – Новости Интернета вещей.
4. <https://ihsmarkit.com> – Sayt konsaltingovogo agentstva IHS Markit
5. [http://www-03.ibm.com/press/attachments/IBV\\_Smarter\\_Cities\\_-\\_Final.pdf](http://www-03.ibm.com/press/attachments/IBV_Smarter_Cities_-_Final.pdf) - A vision of smarter cities How cities can lead the way into a prosperous and sustainable future. - IBM Global Business Services, IBM Institute for Business Value